

**ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ТАСТАНОВА ГУЛЧЕҲРА ЭШТАЕВНА

**ЙЎЛДОШ ҚОН ТОМИРЛАРИ ВА ТЎҚИМА СТРУКТУРАЛАРИНИНГ
ФИЗИОЛОГИК ВА АСОРАТЛАНГАН ГЕСТАЦИЯ ДАВРИДА
МОРФОЛОГИК ҲОЛАТИ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctoral of science (DSc) dissertation

Тастанова Гулчехра Эштаевна

Йўлдош қон томирлари ва тўқима
структураларининг физиологик ва асоратланган
гестация даврида морфологик ҳолати..... 3

Тастанова Гулчехра Эштаевна

Морфологическое состояние кровеносных
сосудов и тканевых структур плаценты
при физиологической и осложненной гестации 31

Tastanova Gulchekhra Eshtaevna

Morphological state of blood vessels and
tissue structures of the placenta in physiological
and complicated gestation..... 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 70

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ТАСТАНОВА ГУЛЧЕҲРА ЭШТАЕВНА

**ЙЎЛДОШ ҚОН ТОМИРЛАРИ ВА ТЎҚИМА СТРУКТУРАЛАРИНИНГ
ФИЗИОЛОГИК ВА АСОРАТЛАНГАН ГЕСТАЦИЯ ДАВРИДА
МОРФОЛОГИК ҲОЛАТИ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.4.DSc/Tib32 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.Ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Миршарапов Уткур Миршарапович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Азизова Феруза Хусановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Юлдашев Бахром Сабиржанович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Стельникова Ирина Геннадьевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Тиб.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават мажлислар зали. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават. Тел/факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Дж. Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...2020 йилда дунё бўйлаб ҳар куни 800 минг аёл ҳомиладорлик ва туғиш билан боғлиқ олдини олиш мумкин бўлган сабаблардан вафот этишган ва ҳар икки дақиқада битта оналар ўлими содир бўлади, 20 миллионга яқин янги туғилган чақалоқ кам вазн билан туғилади ва бу болалар ўлимига олиб келадиган сабаблардан биридир...»¹. Чақалоқлар ўлими билан боғлиқ ҳолатларнинг 42 фоизидан ортиғида бевосита ўлим сабаби перинатал давр патологияси ҳисобланади. Ҳомиладорлик аёл организми учун физиологик ҳолат бўлиб, клиник белгилар бўлмаса, одатий мослашиш жараёни сифатида кечади. Йўлдош патологияларининг клиник-морфологик моҳиятини билиш нафақат йўлдошнинг, балки киндикнинг ҳам таркибий тузилишининг умумий тамойиллари ва асоратланган ҳомиладорлик сабаблари ҳақида аниқ маълумотларни беради. Анте- ва перинатал даврдаги патологиянинг замонавий муаммоси ҳомиладорлик давридаги кўплаб патологик ҳолатларнинг натижаси бўлган, йўлдош тўқимаси тузилмаларида морфофункционал ўзгаришлар туфайли келиб чиққан, фетоплацентар етишмовчиликнинг (ФПЕ) ривожланиши ва она организми фетоплацентар тизимининг турли патологик шароитларга мураккаб реакцияси ҳисобланади. Антенатал даврда ҳомилани ҳимоя қилиш ва пренатал диагностика соҳасида эришилган сезиларли ютуқларга қарамай, баъзи ҳолларда турли хил ноқулай омиллар таъсири остида ҳомиладорликнинг эрта тугашига, ҳомиланинг бачадон ичидаги ўлимига ёки боланинг турли касалликлар билан туғилишига олиб келадиган бир қатор акушерлик патологиялари юзага келади.

Жаҳонда фетоплацентар етишмовчилик билан асоратланган ҳомиладорликда йўлдош ва унинг қон томир-стромал компонентлари морфологик ўзгаришларининг молекуляр механизмлари ҳамда перинатал ва оналар ўлимини олдини олишда патогенетик асосланган профилактик усуллари ишлаб чиқиш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада антенатал ривожланиш бузилишларининг йўлдош механизмларини аниқлашга, йўлдош билан боғлиқ ҳомиладорлик асоратларининг шаклланишига, йўлдош перфузиясининг бузилишига олиб келадиган қон айланиши қайта қуриш кўрсаткичларини ўрганишга, фетоплацентар қон айланишини тартибга солувчи ангиоген омилларни қиёсий баҳолашга, йўлдош қон томир ва строма компонентлари ультрамикроскопик таркибий қисмларининг гестацион хусусиятларига, ҳомиладорлик эрта тўхташининг патоморфологик механизмларини аниқлашга, шунингдек, ҳомила-йўлдош етишмовчилигининг ривожланиши учун скрининг белгиларида ёшга боғлиқ ўзгаришларини баҳолашга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, репродуктив

¹WHO, 2024 <https://www.who.int/initiatives>, <https://unstats.un.org/sdgs/indicators/database>.

саломатликни таъминлаш, перинатал ва оналар ўлимини камайтириш, профилактик тиббиётни шакллантиришга йўналтирилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда хомиладорлик даврида пайдо бўладиган турли акушерлик асоратлар ривожланишидаги бузилишларнинг патогенезини баҳолашга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва фан тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Она-йўлдош-ҳомила функционал тизимларини шакллантиришнинг морфологик асосларини ўрганиш ва плацентация жараёнларининг бузилиши сабабларини аниқлашга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Olborsk университетининг тиббиёт факультети, Charite University (Германия); The Hospital for Sick Children, Toronto (Канада); Copenhagen Center for Arthritis Research (Дания); Department of Pathology, Oregon Health and Science University (АҚШ); Department of Pathology, Oregon Health and Science University, School of Biomedical Engineering & Imaging Sciences, King's College London (Буюк Британия); Cairo University (Миср); Université de Versailles, Data Science Department, EURECOM (Франция); La Paz University Hospital (Испания); Universidad Nova de Lisboan (Португалия); University Hospitals Leuven (Бельгия); University of Amsterdam (Нидерланд), University of Thessaly

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

³ Диссертация мавзуси бўйича халқаро тадқиқотларга шарҳ: www.acog.org, www.nih.gov, www.cusbrescia.it, www.sdu.dk, ki.se/en, unimelb.edu.au, www.cpc.unc.edu, www.fadergs.edu.br, ksu.edu.sa/en, www.anouk.org, unideb.hu/en, www.aichi-u.ac.jp, www.usu.ac.id, www.oxford.universityguides.com, www.washington.edu, www.uic.edu, www.yokohama-cu.ac.jp, www.qdu.edu.cn, www.eco.unicamp.br, www.asu.edu, www.units.it, www.BMJ, www.bsnu.by, ва бошқа манбалар асосида.

(Греция); Anhui Medical University (Хитой); В.А.Алмазов номидаги «Миллий тиббий тадқиқотлар маркази», Федерал давлат муассасаси «Акад. В.Кулаков номидаги Акушерлик, гинекология ва перинатология илмий маркази», А.Авсин номидаги Одам морфологияси илмий-тадқиқот институти (Россия); С.Д. Асфендияров номидаги Қозоғистон миллий тиббиёт университети (Қозоғистон); «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш республика ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази» давлат муассасаси, Тошкент тиббиёт академияси, Самарқанд давлат тиббиёт университети (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Турли генезга эга бўлган йўлдош етишмовчилигининг ривожланишида она-йўлдош-хомила функционал тизимидаги ўзгаришларнинг патологик механизмларини тушуниш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: гестация жараёнидаги бузилишлар асосида трофобластик инвазияларнинг биринчи ва иккинчи тўлкинлари кечиши динамикасидаги ўзгаришлари ётади (University of Amsterdam (Нидерландия)); гипоксик жараёнлари ривожланаётган хомилада полиорган етишмовчилиги шаклланиши, она-йўлдош-хомила функционал тизимининг гемодинамикаси қайта моделлаштириш асосида эндотелиал дисфункциясини ривожланишига олиб келиши аниқланган (National Institutes of Health, Bethesda (АҚШ)); онанинг хомила-бачадон қон айланиш тизимининг етишмовчилигининг шаклланишига генетик мойиллиги аниқланган ва йўлдош қон айланиш тизимини тартибга соладиган молекуляр механизмларни ўрганилган (Translational Medicine of The Hospital for Sick Children, Toronto, Ontario (Канада)); про- ва антиангион омиллар тизими томонидан афункционал фетоплацентар қон томир ўзани регуляция жараёнларида онанинг генетик мойиллигини аниқланган (Postgraduate Institute of Medical Education and Research, Chandigarh, (Ҳиндистон)); юрак-қон томир касалликларининг ривожланиши асосида постнатал онтогенезидаги ангио- ва васкулогенез жараёнларининг бузилишларини ётиши аниқланган ва бу ўзгаришлар аниқ клиник кўринишига эга (Department of Maternal-Fetal Medicine, Institut Clínic de Ginecologia, Obstetrícia i Neonatologia (Барселона, Испания)); трофобластларнинг эндометрийга инвазияси ва хомилага толерантликнинг шаклланишидан бошлаб апоптоз жараёнларининг ривожланиш механизми ёритилган (Department of Anatomy II, University Hospital RWTH, Aachen (Германия)); хомиладорлик даврида йўлдош билан боғлиқ асоратларнинг ривожланишида йўлдош ва унинг ҳосилаларида кечадиган морфологик ўзгаришларга янги ёндошув такомиллаштирилган (Самарқанд давлат тиббиёт университети (Ўзбекистон)).

Дунёда физиологик ва асоратланган хомиладорлик даврида она-йўлдош-хомила функционал тизими шакллантириш хусусиятлари бўйича қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: фетоплацентар етишмовчилик ривожланишида қон томир-тўқима компонентларидаги морфо-функционал ўзгаришларни асослаш; фетоплацентар етишмовчилигида пайдо бўлган она ва хомила мальперфузия

ҳолатларида морфологик ўзгаришларни такомиллаштириш; физиологик ва асоратланган ҳомиладорликда ангио- ва васкулогенез омилларнинг қиёсий таҳлили орқали трансплацентар қон айланиш морфологик ўзгаришларни аниқлаш; оналик, пренатал ва постнатал ўлимни камайтириш учун патогенетик асосланган даволаш ва асоратларни олдини олиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ёндашувларни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Антенатал патологиянинг ривожланишининг асосий омилларидан бири бу бачадон-йўлдош қон оқими томирларида кечадиган патоморфологик ўзгаришлар, хусусан, қон томир эндотелиясининг дисфункцияси, микроциркуляция ҳамда ангио- ва васкулогенез жараёнларнинг бузилиши, бу эса ўз навбатида ҳомила гипоксияси ва унинг умумий ривожланишини кечикишига олиб келади (Acosta O. Et al., 2015; Bronso Sl., Bale Tl., 2016). Ҳозирги вақтда ФПЕ «гипотезалар касаллиги» деб ҳисобланади, чунки унинг ривожланиш патогенезини тушунтирувчи қўллаб фаразлар мавжуд. Сўрғичли хорионнинг етилиш давлари В.Миловановнинг (2019) тадқиқотларида батафсил берилган бўлиб, улар бир томондан йўлдош патологик етилмаганлиги, сўрғичларнинг турли диссоциацияланган шаклланиши, иккинчи томондан эса инволютив-дистрофик жараёнлари, қон томирлар редукцияси орқали гемодинамик бузилишлари билан тавсифланади. L.K. Harris, M. Benagiano et al. (2019), Gall AR, Amoah S, Kitase Y. (2022) маълумотларига кўра ҳомиладорлик она организмига динамик равишда таъсир берувчи пролонгацияланган полифункционал физиологик стрессдир ва ҳар қандай асоратларнинг қўшилиши доминант бўлган ауторегуляция тизимини бузилишига олиб келади. Ҳомила-йўлдош қон оқимини тартибга солишда асосий ролни киндик қон томирлари ўйнайди. Киндик, шубҳасиз, она-йўлдош-ҳомила функционал тизимининг муҳим ва тўлиқ мустақил элементдир, шунинг учун киндикдаги асосий қон томир-стромал таркибий қисмларининг патоморфологик ўзгаришлари ҳомиладорлик даврида ҳам, шунингдек туғиш жараёнида ҳамда янги туғилган чақалоқнинг тўсатдан ўлимигача олиб келувчи жиддий сабаблардан бири бўлиши мумкин. Бугунги кунда замонавий шифокорлар йўлдош функциясини кузатишда кенг имкониятларга эга, булар ультратовуш биометрияси, Допплер ўлчовлари, кардиотография ва бошқаларни ўз ичига олади (L.J.Salomon, Z.Alferevic et al., 2019). Аммо, ўз вақтида йўлдош етишмовчилигини ва қон перфузиясининг бузилишини дастлабки белгиларини аниқлашга имкон йўқ, бу эса ҳомиладорликнинг натижасини аниқлашда қийинчилик туғдиради.

Ўзбекистонда олиб борилган тадқиқотлар, асосан, акушерлик патологияси ривожланишининг қўллаб жиҳатларига, жумладан, йўлдошнинг детоксикацион функцияси ва уни тузатиш усулларига оид тадқиқотлар (Закирхўжаева Д.А., 2021), презклампсиянинг башорати ва профилактикасига замонавий ёндашувни ишлаб чиқиш (Зуфарова Ш.А., 2021), бачадон кенгайиши синдроми туфайли туғруқдан кейинги қон кетиш (Абдуллаева Л.М., 2022), йўлдош дисфункцияси диагностикасида замонавий технологияларни қўллашга (Мўминова Н.Х., Раҳманова С.Ш., 2024) бағишланган. ФПЕ да цитотрофобласт инвазиясининг иккинчи тўлқинининг туғаши замирида сўрғичли хорион стромаси ва айниқса

синцитиотрофобластнинг ультраструктур ўзгаришлари, эндотелиал дисфункциянинг ривожланиш механизмларини аниқлаш, сўргичли хорионнинг васкулогенези ва етилиш жараёнларидаги трансформация хусусиятлари ҳали ҳам яхши ўрганилмаган. Юқоридагиларнинг барчаси ушбу диссертация ишининг долзарблигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011900244 «Постнатал онтогенезда ички аъзолар тўқима элементлари ва қон томирлар трансформациясининг морфологик асослари» (2019-2024 йй) мавзуси доирасида бажарилган..

Тадқиқотнинг мақсади кенг қамровли морфологик ўрганиш асосида, физиологик ва асоратланган ҳомиладорлик даврида она-йўлдош-ҳомила функционал тизимини шакллантириш жараёнида йўлдош тўқима тузилмалари ва қон томирларнинг ўзгариш хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

физиологик ва асоратланган ҳомиладорлик даврида она-йўлдош-ҳомила тизимининг қон томир-стромал таркибий қисмларининг структур-функционал ўзгарувчанлигини энг тўлиқ акс эттирувчи йўлдошнинг орғано- ва гистометрик параметрлари ҳамда аниқлаш;

фетоплацентар етишмовчиликда ҳосил бўлган она ва ҳомила қон-томир малперфузия, облитератив ангиопатия ва терминал сўргичларнинг капиллярлар орқали қон билан таъминланиш жараёнларни бузилишларининг морфогенези хусусиятларини аниқлаш;

йўлдош етишмовчилигида қон томир ўзанининг прогностик аҳамиятга эга функционал бузилишларини ва йўлдошнинг уч ўлчовли структур тузилиш хусусиятларини, фетоплацентар комплекснинг ангиоген омиллар кўрсаткичларини баҳолаш;

ҳомиладорлик даврида йўлдош ва киндик қонидаги ангиоген омиллар - NO, e-NOS ва i-NOS фаоллиги, ONO²⁻, VEGF, VEGFR-2 даражасининг ўзгариши, шунингдек фетоплацентар етишмовчилик ривожланиш даракчиларини аниқлаш, йўлдошнинг морфометрик параметрлари ва йўлдош ҳосилаларидаги ангиоген омиллар кўрсаткичлари билан боғлиқлик муносабатларини баҳолаш;

йўлдошнинг қон томир-стромал таркибий қисмларининг морфологик ўзгариши бўйича олинган маълумотларга асосланиб, фетоплацентар етишмовчилик ривожланишининг прогностик моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида физиологик ва асоратланган ҳомиладорлик мавжуд 18 ёшдан 42 ёшгача бўлган ва гестация даври 24 дан 40-ҳафтагача тукқан аёллардан олинган 211 йўлдош, туғруқдан сўнг дарҳол олинган киндик қони олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида йўлдошнинг қон томир-стромал таркибий қисмлари, йўлдош ва унинг ҳосилаларининг морфометрик ва гистометрик параметрлари, қон томир ўзани, киндик қони олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда органометрик, гистологик, электрон микроскопик, цитологик, иммуно- ва гистокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор йўлдошнинг қон томир-стромал таркибий қисмларининг структур-функционал ўзгарувчанлигини, уларнинг физиологик ва асоратланган ҳомиладорлик даврининг II ва III триместрларида она-йўлдош-ҳомила функционал тизимини шакллантиришдаги муносабатларини қиёсий баҳолаш асосида йўлдош қон томир тизими ҳажм-улуш нисбатларининг стереоморфометрик ва киндикнинг гистеометрик кўрсаткичлари аниқланган;

илк бор киндик илдизининг бирикиш жойига қараб дихотомик ва моноподиал тармоқлар билан ифодаланадиган йўлдошнинг хорион пластинкасининг фетоплацентар қон-томир комплекси структур тузилиши тавсифланиб, томирларнинг дихотом тармоқланиши киндик илдизининг марказий бирикиши фетоплацентар қон оқими перфузиясининг физиологик кўрсаткичларига имкон қадар яқин, моноподиал тармоқланиш эса киндик илдизинининг чекка бирикишига хос бўлиб, функционал равишда котиледонларни қон билан таъминлаш етишмаслигида адаптацион жараён сифатида асосланган;

йўлдош ва киндик қон томир-стромал компонентларининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини ўзгариш динамикаси аниқланиб, йўлдош етишмовчилигининг ривожланишида синцитиокапилляр мембраналарнинг қалинлашиш фонида турли генерациядаги сўрғичларда қон томирлар умумий сони ва зичлиги ҳамда терминал сўрғичларнинг сони сезиларли даражада камайиши асосланган;

онанинг қон томир мальперфузия асосида турли генерациядаги сўрғичларнинг диссоциацияланган ривожланиши, терминал сўрғичлар гипоплазияси, томирсиз сўрғичлар сонининг кўпайиши, морфометрик жиҳатдан йўлдош умумий оғирлигининг 25,6% гача пасайиши билан тавсифланиб, йўлдош етишмовчилигида аниқланган киндик артериялари ва томирлари диаметрининг морфометрик ўзгаришлари киндик артериялари ўртасида Хиртле анастомозининг шаклланиши, афункционал котиледонларнинг пайдо бўлиши ҳамда йўлдош стромасидаги қон томирларнинг дихотомик тармоқланиши моноподиалга ўзгариши исботланган;

асоратланган гестация даврида VEGF-A ва PlGF омилларнинг экспрессиясини сезиларли даражада бузилиши кузатилади, бу эса ўз навбатида эндотелин-1 ва NO индукциясига олиб келади, шунингдек бу ангиоген омилларнинг номуносабблиги сўрғичли хорион ангиоархитектоникасининг тузилиши ва она қон айланишининг трансплацентар диффузиясини тартибга солиш компенсатор механизмларининг бузилишига сабаб бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

йўлдошдаги морфологик ўзгаришларни, унинг фетоплацентар комплексини ташкил этишнинг турли даражадаги корреляцион таҳлили, қон томирлар тармоқланишининг асосий турлари, хорион эпителийсида қон томир реакцияларининг хусусиятларини аниқлашга имкон берган, бу йўлдош етишмовчилиги ривожланишининг башорат кўрсаткичи сифатида кўриб чиқилган;

ҳомиладорлик даврида она- йўлдош -ҳомила функционал тизимининг шаклланиши, йўлдош стромал таркибий тузилмаларининг ультрамикроскопик хусусиятлари, стромал элементларнинг шакллантиришда иштирок этадиган

Гольжи комплекси ўзгариш динамикасининг ёшга боғлиқ хусусиятлари аниқланган;

катта репродуктив ёшдаги аёллар йўлдошини ўрганишда эндотелин-1 ва NO каби маркерларни иммуногистохимёвий текширишнинг диагностик ва прогностик аҳамияти баҳоланган;

ангио- ва васкулогенез жараёнларида иштирок этадиган VEGF, эндотелин-1, йўлдош ўсиш омили каби маркерларнинг иммуногистохимёвий текшириш натижалари диагностик ва прогностик аҳамиятига эгаллиги аниқланганиб, ушбу цитокинлар гуруҳи индексларининг ўзгариши эндотелиал дисфункциянинг шаклланишига асос бўлиб, Notch сигнализация йўлининг бузилишига ва ҳомила томирларининг нотўғри ривожланишига, яъни қон томир мальперфузиясига олиб келиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган материаллар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи морфологик, морфометрик, ультрамикроскопик, иммуногистохимёвий, инструментал лаборатория ва статистик усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти йўлдош структур тузилишининг турли даражаларида томир-стромал компонентларнинг хусусиятлари аниқланганлиги, йўлдошнинг турли таркибий қисмларида морфологик ўзгаришларни таҳлил қилиш, II ва III триместрларда йўлдош етишмовчилиги ривожланишининг морфологик маркерларини аниқлаш, йўлдош ва киндикдаги морфометрик кўрсаткичларининг натижалари ретроспектив баҳолаш учун имконини берганлиги, йўлдошдаги морфологик ўзгаришларга асосланиб, йўлдош етишмовчилиги ривожланишининг оғирлигини аниқлайдиган йўлдошнинг сўрғичли хориони томир қопламасининг шикастланиши, тўқималар тузилмаларининг ҳолатини оғирлаштирадиган ангиоген омилларнинг дисбаланси ва фетоплацентар қон оқимининг томирлар тармоқланишидаги ўзгаришлар каби омиллар аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кенг қамровли морфологик тадқиқот асосида ҳомила ривожланишини объектив баҳолаш ва постнатал онтогенезда юрак-қон томир касалликларини ривожланиши хавфини башорат қилишга имкон беради, бундан ташқари йўлдош перфузияси ўзгариши йўлдош қон томирларнинг дихотомик еки моноподиал тармоқланиши билан ифодаланганлиги, ФПЕда қиндининг йўлдош чеккасига бирикиши сабабли хорион қон томирлари моноподиал тармоқланади, бу эса компенсатор-мослашув жараёни ривожланишини кўрсатади, ўз навбатида бу жараён она мальперфузиясига сабаб бўлиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Йўлдош қон томирлари ва тўқима структураларининг физиологик ва асоратланган гестация даврида морфологик ҳолати бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: илк бор йўлдошнинг қон томир-стромал таркибий қисмларининг структур-функционал ўзгарувчанлигини, уларнинг физиологик ва асоратланган ҳомиладорлик даврининг II ва III триместрларида она-йўлдош-ҳомила функционал тизимини шакллантиришдаги муносабатларини қиёсий баҳолаш асосида йўлдош қон томир тизими ҳажм-улуш нисбатларининг стереоморфометрик ва киндикнинг гистеометрик кўрсаткичлари аниқланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий кенгаши томонидан 2024 йил 24 августда 1-сон билан тасдиқланган «Метод определения морфологических изменений пуповины при беременности, отягощенной фетоплацентарной недостаточностью», «Фетоплацентар етишмовчилигининг ривожланиши ва унинг ретроспектив (туғруқдан кейинги) ташхислаш усулларини морфологик асослари» ва «Метод проведения комплексного морфологического исследования плаценты и ее производных при физиологической и осложненной беременности» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича 31.10.2024 йилдаги 178-сон ҳамда Тошкент шаҳар патологик анатомия бюроси бўйича 27.09.2024 йилдаги 89-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 февралдаги 12-сон ҳулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* йўлдошнинг қон томир-стромал таркибий қисмларини комплекс ўрганиш, фетоплацентар етишмовчиликнинг илмий асосланган прогнозларини аниқлаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлик:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган маълум бир бюджет маблағлари физиологик ва асоратланган ҳомиладорлик даврида II ва III триместрларида она-йўлдош-ҳомила функционал тизимида юзага келган морфофункционал ўзгаришлар оқибатида содир бўлган жараёнларни аниқлаш, эрта ташхис қўйиш натижасида иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: илк бор киндик илдизининг бирикиш жойига қараб дихотомик ва моноподиал тармоқлар билан ифодаланадиган йўлдошнинг хорион пластинкасининг фетоплацентар қон-томир комплекси структур тузилиши тавсифланиб, томирларнинг дихотом тармоқланиши киндик илдизининг марказий бирикиши фетоплацентар қон оқими перфузиясининг физиологик кўрсаткичларига имкон қадар яқин, моноподиал тармоқланиш эса киндик илдизинининг чекка бирикишига хос бўлиб, функционал равишда котиледонларни қон билан таъминлаш етишмаслигида адаптацион жараён сифатида асосланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий кенгаши томонидан 2024 йил 24 августда 1-сон билан тасдиқланган «Метод определения морфологических изменений пуповины при беременности, отягощенной фетоплацентарной недостаточностью» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича 31.10.2024 йилдаги 178-сон ҳамда Тошкент шаҳар патологик анатомия бюроси бўйича 27.09.2024 йилдаги 89-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 февралдаги 12-сон ҳулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* киндик илдизининг бирикиш жойига қараб хорион пластинкасининг фетоплацентар қон-томир комплекси структур тузилишини

эрта ташхислаш ҳомиладорлик асоратларини олдини олишга имкон берган. *Иқтисодий самарадорлик:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган маълум бир бюджет маблағлари физиологик ва асоратланган ҳомиладорлик даврида фетоплацентар қон-томир комплекси морфофункционал ҳолатининг ўзгариш оқибатида содир бўлган жараёнларни аниқлаш, эрта ташҳис қўйиш натижасида иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: йўлдош ва киндик қон томир-стромал компонентларининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини ўзгариш динамикаси аниқланиб, йўлдош етишмовчилигининг ривожланишида синцитиокапилляр мембраналарнинг қалинлашиш фонида турли генерациядаги сўрғичларда қон томирлар умумий сони ва зичлиги ҳамда терминал сўрғичларнинг сони сезиларли даражада камайиши асосланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий кенгаши томонидан 2024 йил 24 августда 1-сон билан тасдиқланган «Метод определения морфологических изменений пуповины при беременности, отягощенной фетоплацентарной недостаточностью», «Фетоплацентар етишмовчилигининг ривожланиши ва унинг ретроспектив (туғруқдан кейинги) ташхислаш усуллари морфологик асослари» ва «Метод проведения комплексного морфологического исследования плаценты и ее производных при физиологической и осложненной беременности» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича 31.10.2024 йилдаги 178-сон ҳамда Тошкент шаҳар патологик анатомия бюроси бўйича 27.09.2024 йилдаги 89-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғликни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 февралдаги 12-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* йўлдош ва киндик қон томир-стромал компонентлари кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси ҳомиладорлик даврида фетоплацентар етишмовчиликни эрта ташхислаш ва асоратларнинг олдини олишга имкон берган. *Иқтисодий самарадорлик:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган маълум бир бюджет маблағлари физиологик ва асоратланган ҳомиладорлик даврида строманинг морфофункционал ҳолатининг ўзгариш оқибатида содир бўлган жараёнларни аниқлаш, эрта ташҳис қўйиш натижасида иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: онанинг қон томир мальперфузия асосида турли генерациядаги сўрғичларнинг диссоциацияланган ривожланиши, терминал сўрғичлар гипоплазияси, томирсиз сўрғичлар сонининг кўпайиши, морфометрик жиҳатдан йўлдош умумий оғирлигининг 25,6% гача пасайиши билан тавсифланиб, йўлдош етишмовчилигида аниқланган киндик артериялари ва томирлари диаметрининг морфометрик ўзгаришлари киндик артериялари ўртасида Хиртле анастомозининг шаклланиши, афункционал котиледонларнинг пайдо бўлиши ҳамда йўлдош стромасидаги қон томирларнинг дихотомик тармоқланиши моноподалга ўзгариши исботланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий кенгаши томонидан 2024 йил 24 августда 1-сон билан тасдиқланган «Метод определения морфологических изменений пуповины при беременности, отягощенной фетоплацентарной недостаточностью», «Фетоплацентар етишмовчилигининг ривожланиши ва унинг ретроспектив

(туғруқдан кейинги) ташхислаш усулларини морфологик асослари» ва «Метод проведения комплексного морфологического исследования плаценты и ее производных при физиологической и осложненной беременности» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича 31.10.2024 йилдаги 178-сон ҳамда Тошкент шаҳар патологик анатомия бюроси бўйича 27.09.2024 йилдаги 89-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 февралдаги 12-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* олинган морфологик тадқиқот натижалари йўлдош етишмовчилиги ривожланишининг башорат қилувчи омиллари сифатида таснифлаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлик:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган маълум бир бюджет маблағлари физиологик ва асоратланган ҳомиладорлик даврида йўлдош оғирлигининг ўзгариш оқибатида содир бўлган жараёнларни аниқлаш, эрта ташхис қўйиш натижасида иқтисод қилинади;

бешинчи илмий янгилик: асоратланган гестация даврида VEGF-A ва PlGF омилларнинг экспрессиясини сезиларли даражада бузилиши кузатилади, бу эса ўз навбатида эндотелин-1 ва NO индукциясига олиб келади, шунингдек бу ангиоген омилларнинг номутаносиблиги сўрғичли хорион ангиоархитектоникасининг тузилиши ва она қон айланишининг трансплацентар диффузиясини тартибга солиш компенсатор механизмларининг бузилишига сабаб бўлиши исботланганлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий кенгаши томонидан 2024 йил 24 августда 1-сон билан тасдиқланган «Метод определения морфологических изменений пуповины при беременности, отягощенной фетоплацентарной недостаточностью», «Фетоплацентар етишмовчилигининг ривожланиши ва унинг ретроспектив (туғруқдан кейинги) ташхислаш усулларини морфологик асослари» ва «Метод проведения комплексного морфологического исследования плаценты и ее производных при физиологической и осложненной беременности» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича 31.10.2024 йилдаги 178-сон ҳамда Тошкент шаҳар патологик анатомия бюроси бўйича 27.09.2024 йилдаги 89-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 15 февралдаги 12-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* олинган морфологик тадқиқот натижалари йўлдош етишмовчилиги ривожланишининг башорат қилувчи омиллари сифатида таснифлаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлик:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган маълум бир бюджет маблағлари физиологик ва асоратланган ҳомиладорлик даврида ангио- ва васкулогенез маркерларидан фойдаланиш эрта ташхислаш ва асоратларнинг олдини олиш натижасида иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 7 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 4 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 193 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ҳомиладорлик жараёнларини амалга оширишда йўлдош ва унинг таркибий ва функционал бирликларининг функционал морфологияси хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида гестация жараёнларини амалга оширишда йўлдошнинг морфологик ҳолатини ва унинг структур-функционал бирликларини, она-йўлдош-ҳомила функционал тизимининг мослашиш имкониятини адекват баҳолашга ёндашувлар муаммосининг ҳозирги ҳолати келтирилган. Фетоплацентар қон айланишининг шаклланишига, ўсиш омиллари, эндотелин-1, NO ва бошқаларни ангио- ва васкулогенезнинг индукциясига алоҳида эътибор қаратилган. Йўлдош етишмовчилигининг шаклланишида ангиоген омиллар дисбалансининг роли ҳақида маълумотлар келтирилган, бу эндотелиал дисфункция жараёнларига асосланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материали ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида морфологик тадқиқот учун материалнинг умумий тавсифлари, морфометрик, ультрамикроскопик тадқиқот усуллари, йўлдош томир қопламасининг коррозияли қуймаларини тайёрлаш, ангиогенез омилларини аниқлаш усуллари ҳақида тавсияларни *Amsterdam Placental Workshop Group Consensus Statement* (2015) ҳисобга олган ҳолда маълумотлар берилган. Иккинчи ва учинчи триместрларда физиологик ва асоратланган ҳомиладорлик давридаги 211 йўлдошни ҳомиладор аёлларнинг ёши ва акушерлик патологиясининг мавжудлиги ҳам ҳисобга олинган ҳолда, ўрганиш маълумотлари тақдим қилинган (1-расм). Морфометрик тадқиқотлар йўлдош ва киндикдаги органометрия, макрометрия ва гистостериометрияни (Милованов А.П., 1999), шу жумладан йўлдош-ҳомила коэффицентини (ЙҲК), стандарт (оғирлик, қалинлик, ҳажм) ва ҳисобланган (йўлдош юзасининг майдони, қон томир диаметри, турли ворсинкалар сони ўртача қийматларни аниқлаш ва х.к.) ўз ичига олади.



Расм.1. Йўлдошларнинг гуруҳлар бўйича тақсимланиши

Гистологик текшириш учун материал йўлдошнинг 3та (марказ, марказ олди ва чекка) соҳаларидан олинган, сўнгра бўлақлар нейтрал формалиннинг 10% эритмасида 24 соат давомида фиксацияланган. Ёруғлик оптик тадқиқотлар учун парафинли (4-5 микрон) ва ярим юпқали (1 мкм) бўлақлар устида олиб борилди. А.П.Милованованинг (1999) стандарт усулига кўра, йўлдошнинг тўқима тузилмаларини ва унинг ҳосилаларини маълум нуқталарда сканерлаш орқали гистостереометрик параметрларни миқдорий баҳолаш амалга оширилди. Барча кўрсаткичлар умумий нуқталар сонига нисбатан % нисбатда ҳисоблаб чиқилган.

Электрон микроскопик тадқиқотлар учун йўлдош тўқималарининг бўлақлари буферланган 2,5%ли глутаральдегид (20 мин), 1%ли OsO_4 эритмаси (1,5 соат) рН 7,2-7,3 бўлган эритмада фиксацияланган. Кейин концентрацияси ортиб борувчи спиртда сувсизлантирилиб, умум қабул қилинган усуллар бўйича аралдит, эпон-812 бўлақларга қуйилди. Уранил ацетат ва кўрғошин цитрат эритмасида контрастлангандан сўнг JEM-7 ва JEM-100Б электрон микроскопларида кузатилган. Ўтказилган электрон микроскопик тадқиқот қон томир-тўқима муносабатларини хужайра ости даражасида таҳлил қилиш имконини беради.

Киндик қон томирларининг архитектуроникасини ўрганиш учун, йўлдошнинг ташқи ва ички қон томир тармоқларни полимеризация аралашмаси ёрдамида коррозив препаратлари тайёрланган. Ушбу услуб орқали қон томирларнинг тармоқланиш тури, йўналиши ҳамда қон томирлар диаметрларини аниқлаш имконини берди.

Фетоплацентар етишмовчилик ривожланишида ангиоген омилларнинг аҳамиятини аниқлаш учун биз NO кўрсаткичининг ўзгаришини, e-NOS ва i-NOS фаоллиги, йўлдош ва киндик қонида ONO^2 , VEGF, VEGFR-2 даражасини ўргандик. Биопсия намуналари ва қон зардобидаги NO даражаси, Грисс реагентидан фойдаланган ҳолда, унинг асосий барқарор метаболитлари (NO^{2-} ва NO^{3-}) таркиби бўйича аниқланди, HADSH иштирокида L-аргининдан e-NOS фаоллиги билан NO ҳосил бўлишини ўзгартириш орқали аниқланган бўлиб, HADSH га боғлиқ нитрат редуктаза реакция тезлигининг ўзгариши билан i-NOS фаоллиги, ONO^{2-} - гидроксилламин оксидланиши учун, ET-1 даражаси, шунингдек, VEGF ва VEGFR -2 AT-858 иммунофермент

анализатори (ЛТД, Хитой) ёрдамида «Human ET -1», «VEGF Elisa» ва «VEGFR -2 Ymmunoassan» (R&D System, USA) стандарт тўпламлари ёрдамида аниқланди.

Экспериментал маълумотларнинг статистик таҳлили Microsoft Office Excel 2000 дастурларининг стандарт пакети ёрдамида амалга оширилди. Мумкин бўлган ҳато эҳтимоли даражаси (P) талаб мезон жадвали ёрдамида аниқланди. Таққосланган иккита кўрсаткичлар орасидаги фарқлар $P=0,05$ ва $P<0,05$ бўлганда ишончли деб ҳисобланди.

Диссертациянинг «**Физиологик ҳомиладорлик даврида она-йўдош-хомила функционал тизимининг қон томир-стромал таркибий қисмларининг морфологик хусусиятлари**» номли учинчи бобда йўлдош ва унинг ҳосилаларини, ҳусусан, 24-40 ҳафталик (II-III триместрлар) оралиғида физиологик ҳомиладорлик даврида киндик илдизини ҳар томонлама морфологик ўрганиш натижалари келтирилган. Бобнинг ўзи 3 та кичик бўлимдан иборат.



Ҳомиладорликнинг иккинчи триместри йўлдошнинг тўқима тузилмаларини қайта қуриш билан тавсифланади, бу биринчи навбатда она ва ҳомила қони ўртасидаги контакт юзаларини бирлаштириш ва кўпайтиришга, ворсинка дарахтининг якуний шаклланишига ва терминал ворсинка охири авлодининг етуқлигига қаратилган. Қон томир, интерстициал тўқималарда, шунингдек, трофобластда биз қайд этган барча ўзгаришлар бир вақтнинг ўзида содир бўлади, улар бир-бирига боғланган ва охир-оқибат ҳомиланинг эҳтиёжларига функционал равишда мослаштирилган йўлдош шаклланишига олиб келади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳомиладорликнинг ушбу босқичида барча морфометрик кўрсаткичларда сифат ўзгаришлари содир бўлади (1-жадвал).

Йўлдошнинг хорион пластинкаси амнион билан қопланган ва бир қаватли куб шаклдаги (камдан-кам ҳолларда цилиндрли) эпителий, базал мембрана, ихчам фибропластик ва спонгиоз қатламлардан иборат. Бириктирувчи тўқима асосида йирик артериялар ва веналар аниқланади. Улар котиледонларнинг устунли ворсинканинг таркибий қисми бўлган тармоқларга бўлинади (2,3-расм). Шуни таъкидлаш керакки, томир деворининг мушак толалари тўпламлари адвентицияга маҳкам ёпишади, бу эса валикка ўхшаш қалинлашувларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

1-жадвал

Физиологик ҳомиладорлик пайтида йўлдош ва ҳомиланинг ўртача кўрсаткичлари


Кўрсаткич	Ўртача кўрсаткич	
	II триместр	III триместр
Чақалоқ вази, грамм	1490,8±85,7	3150±85,62
Йўлдош оғирлиги, грамм	268,3±18,4	521,6±23,4
Йўлдош-хомила коэффициенти (ЙХК)	0,18±0,009	0,143±0,002
Йўлдош диаметри, см	17,6±2,4	21,6 ±2,4
Она юза майдони, см ²	211,2±26,2	346,3±24,6
Йўлдош қалинлиги, см	1,55±0,6	2,35±0,6



2-расм. Физиологик гестация давридаги йўлдошнинг оралиқ сўрғичлари (а-II триместр, б-III триместр). 3-расм. Сўрғичларнинг стромаси яхши ривожланган, қон томир марказда жойлашган, синцитий қавати сақланган ҳолатида. Гематоксиллин ва эозин билан бўяш, х.100.

Физиологик ҳомиладорлик II триместр даврида йўлдошнинг ворсинка дарахти узунлиги бўйича тармоқларнинг интенсив ўсиши ва сўрғичлар уч турга бўлиниши билан тавсифланади: 1) таянч 2) оралиқ етилмаган, 3) оралиқ дифференциацияланган сўрғичлари). Ворсинкали хорионда оралиқ дифференциацияланмаган ва дифференциаллашган ворсинка устунлик қилади, охиригида синцитиокапилляр мембраналар пайдо бўлади ва синцитиал куртаклар сони кўпаяди. Зич бўлган стромасида фибробластлар ва фиброцитлар, нозик коллаген ва преколлаген толаларнинг тўпланишидан иборат. Гистологик намуналарда ўртача диаметри 60-70 мкм бўлган, унча кўп бўлмаган терминал сўрғичлар тўпланиши қайд этилган. Сўрғич дарахтининг тузилишида оралиқ ва терминал сўрғичлар устунлик қилади, пролиферация индекси атиги 0,5% ни ташкил қилади.. Шуниси эътиборга лойикки, айнан шу даврларда коллаген толаларининг нисбати ортади, улар кўп ҳолларда оралиқ ва терминал сўрғичлар қон томирлари атрофида тўпланади.

Терминал сўрғичлар (эпителий + строма) кесма майдони 22600 ± 2450 мкм², строма ва эпителий эгаллаган майдон эса 17700 ± 870 ва 3900 ± 410 мкм²ни ташкил қилади. Морфометрик тадқиқотларда ўртача ворсинкадаги томирлар майдони 3050 ± 220 мкм²ни ташкил қилади. Агар ушбу маълумотларга асосланиб, биз эпителий-томир, строма-томир ва эпителио-стромал индексларни чиқарсак, у ҳолда улар мос равишда $1,28 \pm 0,2$; $5,80 \pm 0,3$; $0,220 \pm 0,01$ га тенг бўлади. Олинган маълумотлар эпителий ва терминал сўрғичлар томирларининг деярли бир хил майдонини ва улар билан строма ўртасидаги деярли олти баравар фарқни кўрсатади.



4-5 расм. Турли калибрдаги сўрғичлар, уларнинг таркибида Кашенко- Гофбауер хужайралари мавжуд. Гематоксилин ва эозин билан бўялган, ок.10, об.40. Терминал сўрғичлар Физиологик ҳомиладорликнинг II триместри. ТЭМ.х1200

Электрон микроскопия ҳам терминал ворсинка шаклланиш жараёнини тасдиқлайди. Ядрога кўп сонли тўпламларга эга бўлган инцитий бир-биридан сезиларли масофада жойлашган «синцитиал куртаклар» шаклида гуруҳланган (4,5расм). Ядролар юмалоқ, овал, нотекис контурлари, нуклеолемалари бўлиб, периферия бўйлаб жойлашган сезиларли микдордаги гетерохроматин тўпларини ўз ичига олади. Синцитиотрофобласт цитоплазмасида грануляр эндоплазматик ретикулумнинг сезиларли даражада кенгайган бўшлиқлари, апикал ёки базал жойлашган турли хил микдордаги майда ва йирик электрон зич секретор гранулалар мавжуд. Синцитиотрофобластнинг эркин юзаси калта микроворсинкалар билан қопланган бўлиб, уларнинг асослари орасида турли шакл ва ўлчамлардаги эндоцитоз шаклланиш аниқланади. Интерстициал томонда синцитиотрофобласт базал мембранада жойлашган бўлиб, унинг қалинлиги ўзгарувчан. Митохондриялар кам учрайди, улар ретикулум профиллари орасида аниқланади. Эркин рибосомалар ва полисомалар ҳамма жойда учрайди. Синцитиотрофобластнинг юпқалашган жойлари ситотрофобласт хужайралари ёки капиллярлари билан чегараланади. Йўлдош параметрларини органометрик ўрганиши шуни кўрсатдики, бир томондан йўлдош ва ҳомиланинг морфометрик параметрлари, иккинчи томондан, бутун ҳомиладорлик даврининг хусусиятлари ўртасида маълум боғлиқлик мавжуд (2-жадвал).

Физиологик ҳомиладорлик давридаги йўлдошнинг морфометрик кўрсаткичлари

кўрсаткич	Хомила хафталари			
	24-27	28-32	33-35	36-40
Йўлдош оғирлиги	24-27	28-32	33-35	36-40
Умумий хажм	261,6±11,7	327,0±15,3	408,7±26,9	481,1±28,7
Йўлдош она майдони	220,8±17,8	316,2±18,9	462,4±31,6	521,6±23,4
Йўлдош-хомила коэффициенти	198,4±6,7	247,3±11,4	311,5±12,8	366,2±20,17
Сўрғичларнинг умумий ўрта майдони	0,16±0,002	0,154±0,003	0,144±0,002	0,143±0,004
Йўлдош строма умумий ўрта майдони	15506,4±910,0	20115,7±1986,8	28756,7±3011,4	30273,2±2705,2
Йўлдош эпителий умумий майдони	10641,6±677,8	15668,3±1075,4	22600,6±328,1	23902,49±2325,7

Изоҳ: Иолдинги хафта даври билан солиштириганда, $p < 0,05$

Киндик марказий бирикишида йўлдош юмалоқ шаклга эга (*placenta rotunda*), бу кузатилган барча ҳолатларнинг ўртача 64% ни ташкил қилади. Шунингдек, киндик марказдан биров узокроқда бириккан ҳолатларда йўлдошнинг шакли бир оз ассиметрик бўлиши кузатилади. Баъзи муаллифлар буни латерал бирикиш сифатида таснифлашади, аммо биз уни киндикнинг парацентрал бирикиш деб ҳисоблаймиз. Ушбу турдаги киндик қўшилишида овал шаклидаги йўлдошлар (*placenta ovalis*) сони ортади - барча ҳолатларнинг тахминан 36% да.

Юмалоқ йўлдош шаклида ёки киндикнинг марказий бирикишида киндик қон томирлари шохланиши юлдуз шаклга эга. Бундай ҳолда, турли калибрли йирик йўлдош томирлари (диаметри $0,56 \pm 0,031$ мм бўлган ўртача 4-6 артерия) йўлдошнинг бутун юзаси бўйлаб марказдан қочадиган тарзда тарқалиб, 1-даражали артериал тармоқлардан дихотомик равишда 1-2 даражали шохлари ($0,38 \pm 0,023$ мм диаметри) бўлинади. Котиледонларнинг сонига қараб, 3-тартибдаги шохлар кетма-кет шохланади (ўртача 16-20 шохчалар, қон томирлар диаметри $0,09 \pm 0,004$ мм). Йўлдошнинг овал шаклида ёки киндикнинг парацентрал бирикишида ассиметрик ҳавзалар ҳосил бўлади, киндик қон томирларининг шохланиши радиал ёки кўпинча тарқоқ тарқалиши билан тавсифланади.


Сўрғич дарахтнинг морфометрик хусусиятларини ўрганиш шуни кўрсатдики, турли калибрли сўрғичларнинг жойлашуви марказий, парацентрал ва чекка қисмларида фарқланади. Масалан, марказий қисмларда 50 дан 100 мкм бўлган ўрта ўлчамдаги сўрғичлар устунлик қилади, бу эса $31,44 \pm 0,6\%$ ни ташкил қилади, катта сўрғичлар ўртачаларга қараганда 2,5 баравар кам. Терминал сўрғичларнинг 1 дан 50 мкм гача ($16,62 \pm 0,30\%$) бўлган ўлчамда сони минимал қайд этилган. Парацентрал қисмларда терминал сўрғичларнинг сони кўпайиши ($41,33 \pm 0,81\%$) билан ўрта

катталиқдаги бўлган сўрғичлар устунлик қилади ($51,35 \pm 0,064\%$). Йўлдошнинг чекка қисмларда асосан ўрта калибрли сўрғичлар қайд этилади, гарчи уларнинг умумий миқдори бошқа қисмларга қараганда бир оз кам бўлса ҳам, терминал сўрғичлар сони ҳам камаяди, бу умумий сўрғичлар сонига қараб $10,67 \pm 0,54\%$ ни ташкил қилади.

Ҳомиладорликнинг охирига ҳафталарида хорион дарахти асосан синцитиокапилляр мембраналарни ташкил этган терминал ва кўп сонли маҳсуслашган терминал сўрғичлардан иборат, бу тасниф морфометрик кўрсаткичлари билан исботланган, бу давр сўрғичларнинг умумий майдони нисбатан энг минимал хажмига эга.

Ҳомиладорликнинг 34-36-ҳафтасидан бошлаб йўлдошда инволюцион жараёнлар ёки физиологик "қариш" белгилари ривожланади, яъни оралиқ ва кам сонли терминал сўрғичлари стромасининг қалинланиши, ягона Кащенко-Гофбауэр хужайралари ҳамда терминал сўрғичларда кичик майдон эгаллайдиган фибриноид некрози ўчоқлари пайдо бўлиши кузатилади. Шунинг таъкидлаш керакки, физиологик «қарилик» белгилари кўпинча ўчоқли характерга эга. Морфометрик таҳлил физиологик гестация даврида ҳомила ривожланиши учун мақбул шароитларни таъминлайдиган структур-функционал элементларини централ ва парацентрал соҳаларда устунлигини аниқлади. Олинган натижалар ўз навбатида ҳомиланинг етуклигини таъминлайдиган механизмларнинг тизимли кўринишларини таҳлил қилиш ва фетоплацентар етишмовчиликнинг сабабларини аниқлаш имконини беради.

Она-йўлдош-ҳомила физиологик тизимининг нормал ишлаши плацента морфометрик кўрсаткичларига, ҳомила тана вазнининг йўлдош умумий оғирлигига (ХЙК) нисбатида акс эттирилган «плацента самарадорлиги» индексига боғлиқ. Юқорида акс эттирилган жараёнлар ҳомила гестацион ёши билан боғлиқлиги аниқланди. Шундай қилиб, ўтказилган морфометрик таҳлили физиологик гестация даврида ҳомила ривожланиши учун мақбул шароитларни таъминлайдиган структур-функционал элементларини централ ва парацентрал соҳаларда устунлигини аниқлади. Олинган натижалар ўз навбатида ҳомиланинг етуклигини таъминлайдиган механизмларнинг тизимли кўринишларини таҳлил қилиш ва фетоплацентар етишмовчиликнинг сабабларини аниқлаш имконини беради.



6-расм. а-терминал специализиялашган сўрғичлар, куртаклар ва синцитиокапилляр мембраналари. Гематоксиллин ва эозин билан бўялган, х100 ва х400; б - синцитиотрофобласт ва терминал сўрғичнинг қон томири. ТЭМ. Х5000

Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳомиладорликнинг физиологик кечиши биринчи навбатда тўқима тузилмаларининг тўлиқ перфузиясига боғлиқ бўлиб, киндик тизимчасидаги морфологик ҳолат муҳим рол ўйнайди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, киндик тизимчасидаги оддий органометрик параметрлар (узунлик ва оғирлик) етарлича маълумот бермайди. Бундан фарқли ўлароқ, ЕЛМ, СДМ ва Карнеган индекси каби тавсия этилган параметрлардан фойдаланиш киндик тизимчасидаги барча стромал-қон томир компонентларининг функционал ҳолатини ишончли тарзда акс эттиради. Йўлдош кўчиб, киндик тизимчаси қисилгандан сўнг, ўртача 38-45 см киндик қолади. Модификацион ўзгаришларга учраган киндик тизимчасидаги бўлакчаларни истисно қилиш учун ҳомила ва йўлдош охирларидан ўртача 2,05-5 см бўлакчалар кесилади. Натижада морфологик тадқиқотлар учун 30-37 см узунликдаги (ўртача $34,52 \pm 2,45$ см) киндик тизимчаси қолади. Аммо шуни таъкидлаш керакки, бу органометрик кўрсаткичлар, масалан, киндик тизимчасидаги масса ва узунлиги жуда ўзгарувчан бўлиб, онанинг ёшига ёки туғруқ жараёнига боғлиқ эмас.

Биобарин, фақат киндик тизимчасидаги узунлиги ва массасини ўлчаш она-ҳомила тизимидаги фетоплацентар қон оқими ҳолатининг тўлиқ морфологик тавсифини таъминлай олмайди, шунинг учун уларни ишончли деб ҳисоблаш мумкин эмас. Физиологик ҳомиладорлик даврида киндик органометрик кўрсаткичларнинг ўзгаришлар динамикаси 3-жадвалда келтирилган. Гистометрик кўрсаткичлар ҳомиладорликнинг охирига келиб стромал компонентнинг кўпайишини кўрсатди, айниқса йўлдош соҳасида, киндик томир деворининг қалинлиги пасаяди, бу биргаликда Карнеган индексининг ва қон оқимига қаршилик кўрсаткичларининг пасайишига олиб келади, бу туғруқ вақтида йўлдош трансфузияси камайишининг компенсацион механизми сифатида қаралиши мумкин (4-жадвал).

3-жадвал

Физиологик ҳомиладорлик даврида киндикдаги органометрик параметрларнинг ўзгаришлар динамикаси

Органометрик кўрсаткичлари	24-27 ҳафта	30-34 ҳафта	37-40 ҳафта
ўрта оғирлик	$19,82 \pm 6,14$	$22,68 \pm 7,38$	$23,14 \pm 2,38$
умумий узунлиги	$28,6 \pm 5,8$	$34,4 \pm 6,53$	$33,34 \pm 2,83$
ўрта диаметр	$0,65 \pm 0,07$	$0,91 \pm 0,06$	$0,88 \pm 0,04$
ЕЛМ	$0,69 \pm 0,04$	$0,66 \pm 0,05$	$0,69 \pm 0,03$
ПСМ (*50)	$34,5 \pm 2,78$	$33,0 \pm 2,54$	$33,2 \pm 2,38$

Изоҳ олдинги ҳафта даври билан солиштирганда, $p < 0,05$

Анатомик ва топографик тасвирни аниқроқ аниқлаш учун биз киндик тизимчасидаги бириктирилган жойдан бошлаб томирларнинг коррозияли намуналарини тайёрладик. Киндик тизимчасининг марказий бириктирилиши билан томирларнинг тарқоқ тури шаклланади, бу йўлдош стромасини бир хил

қон билан таъминлашга имкон беради (7-расм). Натижалар шуни кўрсатдики, киндик томирларининг диаметри марказдан периферияга қисқаради, йўлдошнинг хорион томирларининг томир шакли эса туғилган чақалоқнинг тана вазнига боғлиқ. Физиологик ҳомиладорликда Хиртл анастомози киндик артериялари ўртасида жойлашган бўлиб, у котиледонлар ўртасида қонни қайта тақсимлашда муҳим рол ўйнайди ва шу билан перфузиянинг зарур ҳажмини таъминлайди


4-жадвал

Физиологик ҳомиладорлик даврида киндикдаги қон томир-стромал таркибий қисмларининг гистометрик параметрларининг ўзгариши динамикаси

кўрсаткич	хомила сегменти	марказий сегменти	йўлдош сегменти	∑ кўрсаткичнинг қиймати
Амнион эпителий-нинг қиймати (%)	7,68±0,47	8,35±0,62	8,94±0,66*	8,32±0,58
Варгон жели строма қиймати	74,77±2,94	72,06±3,31*	72,64±2,83	73,15±3,02
киндик вена МК қиймати	5,63±0,44	5,37±0,38	6,69±0,56	5,89±0,46
киндик артерия МК қиймати	8,01±0,67	8,59±0,52	7,94±0,76	8,18±0,65
киндик вена эндотелий қавати қиймати	1,29±0,25	8,35±0,62	8,94±0,66	6,19±0,51
∑ киндик артерия эндотелий қавати қиймати	1,16±0,1	1,97±0,92*	1,04±0,58*	1,69±0,53
киндик вена диаметри	1,09±0,27	1,35±0,33	0,82±0,27	1,09±0,29
∑ киндик артерия диаметри	0,18±0,06	0,34±0,09	0,55±0,19*	0,35±0,11
ОССС индекси	4,86±0,28	4,35±0,33	4,90±0,36	4,70±0,32
ВССС индекси	10,29±0,17	10,88±0,78	10,62±0,71	10,59±0,55
АССС индекси	9,81±0,58	8,35±0,63	9,64±0,68	9,27±0,63
Карниган индекси	71,69±0,97	51,35±0,83*	48,24±0,27*	57,10±0,78

Эслатма: * - P < 0,05; ** - P < 0,01.

Диссертациянинг «**Ҳомиладорлик динамикасида фетоплацентар етишмовчилик ривожланишидаги йўлдошнинг морфологик хусусиятлари**» номли тўртинчи бобида фетоплацентар етишмовчилик ривожланишининг аспектлари, йўлдош ва унинг ҳосилалари тўқималарининг тузилишидаги ўзгаришларнинг морфологик хусусиятлари батафсил таҳлил қилинган. Макроскопик тадқиқотлар йўлдошнинг морфометрик параметрлари назорат гуруҳи маълумотларидан сезиларли даражада (ўртача 15-18%) фарқ қилишини кўрсатди.



Расм 7. Йўлдош қон томир тармоқланиши турлари ва Хиртл анастомози модификациялари. Барий сульфат билан тўлган қон томирлари рентгенографияси

ФПЕ билан кечган ҳомиладорлик гуруҳида 92,3% ҳолларда йўлдош шакли аномалиялари, патологик/аномал киндик бирикиши (қобик, чекка), пардалар сиқилиш ҳолатлари каби аномалиялар аниқланган, бу физиологик ҳомиладорлик ($p < 0,0001$) гуруҳига қараганда 4,0 баравар кўпдир. Алоҳида эътиборни киндик илдизининг йўлдош қобикларга бирикиши тортади, бу ҳолатларда қон томирлари веер шаклида тармоқланади (1-чи тартиб тармоқланиши), сўнг қобикда 3-5 см дан ўтиб, улар турли диаметрли 2-3 тартибли томирларга бўлинади ва йўлдошнинг четига етиб, бир нечта ассиметрик ҳавзаларни ҳосил қилади. Бу тури катта амалий аҳамиятга эга, чунки туғруқ пайтида киндик илдизидаги қобикларнинг ёрилиши жараёнида артериялар шикастланиши ва кучли қон кетишига олиб келиши мумкин. Ушбу турдаги киндик илдизидаги бирикиш тури ва ҳомиладорлик патологиясининг оғирлиги ўртасида маълум муносабат мавжуд (8-расм).




8-расм. Киндикнинг йўлдошга патологик бирикиш вариантлари: а-чекка бирикиш; б- йўлдош пардаларига бирикиш; в- йўлдош қон томирлари коррозия препаратлари.

Гистологик препаратлар сўрғичли хорионнинг турли шакллари қайд этиди, бу унинг етуқлиги ва ривожланишининг бузилишини кўрсатади. 6% ҳолларда сўрғичлар дарахтининг патологик етилмаслиги хаотик склеротик сўрғичлар варианты кўринишида аниқланади. Таянч сўрғичлар склерозга учрайди, артерияларнинг диаметри тораяди, уларнинг баъзиларида тромблар аниқланади. Сўрғичлар стромасида коллаген толаларнинг кўпайиши кузатилади, баъзи соҳаларда шоҳланган оралик сўрғичлардан полиморф бўлган терминал сўрғичлар ҳосил бўлади. Улар ўз навбатида тўлик шакланган етук сўрғичлар ҳамда овал ёки юмалоқ шаклдаги етилмаган, деформацияга учраган терминал сўрғичларга бўлинади. Интерстициал бўшлиқ ҳам гетерогендир: баъзи жойларда сезиларли даражада торайган, бошқа жойларда эса кенгаяди ва фибрин, десквамацияга учраган эпителий билан тўлган. Бундай жойларда терминал сўрғичлар ўзаро ёпишиб, "афункционал" соҳа пайдо бўлади, яъни бу жойлар она қони билан ювилмайди. Сўрғич хориондаги қон томирлар сонининг кескин камайиши, терминал сўрғичлардаги капиллярларнинг локализациясининг ўзгариши, йўлдош-ҳомила қон айланиш тизимидаги жиддий бузилишларни кўрсатади.

Фетоплацентар етишмовчилигида таянч сўрғичдаги артериал қон томирлар диаметри таққослаш гуруҳидаги кўрсаткичлардан сезиларли равишда пасайиши кузатилди.. Фетоплацентар етишмовчиликнинг ўртача даражасида артериолоспазм белгилари кузатилади, улар ички диаметрининг пасайиши (18,0-23,2%) ва томир деворларининг қалинлашиши билан намоён бўлади ва у ўз навбатида патологик ҳолатнинг ривожланиши билан корреляцион боғлиқлиги кузатилди. Карнеган индекси ўртача 1,0 га тенг, бу эса қон томирларда концентрик ремоделаштириш жараёни борлиги ва ўз навбатида артериолаларнинг чўзиш қобилиятининг пасайишини кўрсатади. Қон томир девори ҳолатини кўрсатадиган Карнеган индекси энг катта ўзгаришларни оралик сўрғичларда қайд этилган.


Электрон-микроскопик текшируви фетоплацентар етишмовчилик ривожланишида бужмайган ядролари бўлган думалоқ децидуал хужайралар, нобуд бўлган хужайралар, йирик плазмоцитлар ва қон кетиш жойлари аниқлади. Микроворсинкалар сақланиб қолган, аммо уларнинг кўпчилиги шишган. Синцитиотрофобласт хужайраларда ядролар камдан-кам учрайди, нотўғри шаклга эга ва электрон зич. Эндоплазматик ретикулум кенгаяди, липид кўшимчалари аниқланади, митохондриялар шишади. Гольжи комплекси деярли кўринмас, ҳар хил зичлик ва локализацияга эга бўлган майда лизосомалар мавжуд. Шишган стромада коллаген толалари тўпламлари аниқланади (9-расм).

Фетоплацентар етишмовчиликнинг ривожланиши билан асоратланган ҳомиладорлик даврида, йўлдошларда инволютив-дистрофик ўзгаришлар таққослаш гуруҳига қараганда 2,1 марта кўп аниқланган бўлиб, булар: фибриноид некроз, псевдоинфаркт, кальцификация кўринишида қайд этилади. Йўлдошнинг ҳомила юзаси силлик, кулранг рангга эга. Киндик илдизининг бириктирилган жойидан варикоз кенгайган қон томирлар аниқ кўринади.



9-расм. ФПЕда синцитиотрофобласт қатлами яссилаши, кам табақаланган хужайралар ва фибробластлар. ТЭМ, каттал. 15000.

Йўлдош чекка ва қобиқларга бирикиш ҳолатдаги коррозион препаратларнинг ўрганишида қон томир ўзани магистрал шоҳланиш тури кузатилади (10-расм). Физиологик ҳомиладорликда аниқланган Хиртли анастомози ФПЕда учрамайди ва бу ўз навбатида фетоплацентар қон айланишига салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек биз йўлдош ички қон томирларнинг дихотомик шоҳланишидан моноподиал турига ўзгаришини аниқладик, бу Aharinejad et al.(1998) маълумотларига мос келади. Моноподиал шоҳланиш турида қон томир турли диаметрга эга, қон томирларнинг ҳар хил тармоқланиши йўлдош строма ҳажмини васкуляризациясининг турли параметрлари билан изоҳланади ва бу ўз навбатида йўлдошда етишмовчилик жараёнларни кўчайишга сабаб бўлади.



10-расм. Киндикнинг турли бирикишида йўлдош қон томирларнинг шоҳланиши. Коррозион препаратлари (а-марказий бирикиши, б-чекка маргинал бирикиши, в – схематик кўриниши).

Асоратланган ҳомиладорлик билан ёш ва кекса репродуктив ёшдаги йўлдошларда фетоплацентар етишмовчилик ривожланишининг турли генезиси аниқланган. Агар «ёш» оналарда ФПЕ синдромининг ривожланиши учун асос йўлдош тузилмаларининг физиологик "балоғатга етмаганлиги" ва компенсацион-адаптив реакцияларнинг номукамаллиги бўлса, «кекса» оналарнинг йўлдошлари учун эрта склероз ва йўлдошнинг терминал

сўрғичлар томир деворининг қалинлашиши, қон томирларининг терминал қатламининг қалинлигининг камайиши, «гематоплацентар тўсиқ» ва хорион эпителиясида учрайдиган деструктив ўзгаришлар билан характерлидир.

Диссертациянинг кейинги «**Йўлдош етишмовчилиги билан асоратланган ҳомиладорлик даврида ангиоген ва қон томир эндотелий омиллар фаолияти ўзгариши**» деб номланган бешинчи бобида йўлдош физиологик ҳомиладорлик ва йўлдош етишмовчилиги билан асоратланган ҳомиладорлик даврида йўлдош биопсия намуналарида йўлдош етишмовчилигининг иммуногистокимёвий маркерларни тадбиқ этишга бағишланган.


Тадқиқот натижасида патологик ҳолатларни кўрсатадиган маркерларнинг миқдори ва жойлашуви турли ҳолатларда фарқ қилишини аниқладик. Фетоплацентар етишмовчилигининг энг информацион миқдорий кўрсаткичларга азот оксиди (NO) киради, у қон томир эндотелийсида, Каченко-Гофбауэр хужайраларда, синцитиотрофобластда ва йўлдошнинг децидуал тўқималарида ҳосил бўлади. Бизнинг фикрмизча, NO метаболизмидаги ўзгаришлари фетоплацентар етишмовчилик ривожланишида патогенетик омиллардан бири бўлиши мумкин. Йўлдош макрофаглари ва қон нейтрофилларининг метаболик фаоллик кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилишда, ўртача ФПЕ да лейкоцитлар ва Каченко-Гофбауэр хужайралари томонидан нитрат оксиди ишлаб чиқариш, таққослаш гуруҳига нисбатан кўпайганлиги аниқланди. Азот оксидининг томирларни кенгайтирувчи ва антиагрегатсион таъсирини ҳисобга олсак, «макрофаг» NO етишмовчилиги фетоплацентар тизим томирлари диаметрини торайтириш ва тромботситлар агрегатсиясини ошириш орқали йўлдошнинг қон билан таъминланишини бузади деб таҳмин қилиш мумкин. Бу, ўз навбатида, қоннинг реологик хусусиятларини ўзгаришига, сўрғичлараро бўшлиғида қон димланишига ва йўлдошдаги метаболик жараёнларнинг бузилишига олиб келади. Бошқа томондан, йўлдошда азот оксидининг етишмовчилиги хорион эпителий тўлиқ ривожланмаганлиги билан боғланиши мумкин. Йўлдошда ўз-ўзидан “афункционал”, қон айланиши суст бўлган соҳалар пайдо бўлади, бу ўз навбатида эса ситотрофобластнинг пролиферациясини кўчайтиришига, эндотелиал хужайраларининг кўпайишига ва қон томир-стромал компонентининг ўзгаришига сабаб бўлади.

Иккинчи ва учинчи триместрларнинг охирига келиб йўлдошда VEGF-A ифодаси динамикасини текшириш натижалари информатив бўлиб чиқди, умумий ифода индекси мос равишда 1,67% ва 1,23% ни ташкил этди. Ушбу омилнинг камайиши йўлдошнинг етилиш даражасини, ҳомиланинг ортиб бораётган эҳтиёжларини қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган нормал ишлайдиган қон томир тармоғининг мавжудлигини кўрсатади. Спирман коэффицентини аниқлаш ҳомиладорлик даври ва ушбу ўсиш омилининг ифодаланиш соҳаси ўртасида салбий нопрпорционал муносабатлар мавжудлигини аниқлади (-4).

Йўлдошнинг барча стромал таркибий қисмларида йўлдош етишмовчилигининг ривожланишида (ворсинкаларнинг синцитиотрофобласти, инвазив цитотрофобласт, децидуал хужайралар, терминал ворсинкалар капилляр эндотелийси) VEGF-A ифода индекслари турли хил. ФПЕда

ҳомиладор аёлларнинг қонида VEGF концентрациясининг ўзгариши унинг йўлдош тўқимасида ифодаланишининг силжишига олиб келади, шунинг учун катта ворсинкалар томирларнинг эндотелиал қопламида унинг тўғридан-тўғри сўрғичли бўшлиқда жойлашган ситиотрофобласт ва фибриноид массаларнинг эркин оролчаларига ўтиши билан салбий реакция аниқланади. Артериолаларнинг облитерацияси кузатилган сўрғичларда ифоданинг ортиши ҳам қайд этилади. Ҳомиладорликнинг охирида қон томир эндотелиал ўсиш омилининг кўпайиши етилмаган терминал ворсинкалар шаклланишининг кўпайишига, синцитиал тугунлар ва куртаклар сонининг кўпайишига олиб келади, шунинг учун устунли ва оралик ворсинкалар томирлар эндотелийсида бу кўрсаткич физиологик ҳомиладорлик давридаги кўрсаткичдан ўртача 1,6 марта юқори ($22,45 \pm 1,92$ ва $11,4 \pm 0,09$, мос равишда ($p < 0,001$). Концентрация қийматларининг бундай ўсиши ҳомиланинг доимий гипоксик ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади, гарчи нормал ҳомиладорликда, физиологик "қариш" нинг ривожланиши туфайли ифоданинг ишончли пасайиши қайд этилган.

Худди шундай тенденция яна бир вазоактив омилига – эндотелин 1 хосдир. Физиологик ҳомиладорликнинг 2 триместрда кўрсаткичларнинг ўсиши кузатилади, яъни ривожланаётган организмнинг ортиб бораётган эҳтиёжларига жавобан фетоплацентар қон тизимини мослашув жараёнларнинг регуляциясига қаратилган бўлади. Эндотелин-1 кўрсаткичнинг кўпайиши қон томирлари девори сезиларли даражада торайишига, йўлдош тўқималарида гипоксиянинг кучайишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида VEGF -омилнинг ошишига сабаб бўлади, гистологик жиҳатдан шаклланмаган терминал сўрғичларнинг кўпайиши ҳамда катта калибрли диссоциацияга учрамаган сўрғичлари пайдо бўлиши билан ифодаланади. Шундай қилиб, ФПЕ билан кечкан ҳомиладорликдаги йўлдошнинг морфологик тузилишини бузилишида асосий сабаби ангиогенн VEGF -омили, унинг рецепторлари VEGFR -2 ҳамда ЭТ-1 нинг экспрессия деб ҳисоблаш мумкин (11-расм).



11-расм. Фетоплацентар етишмовчиликда VEGF-омилининг экспрессия жараёни, венула қон томирининг қисман эктазия ва артериолалар облитерация ҳолати.

VEGF ва VEGFR -2 ангиоген факторларининг даражасини ошишини йўлдошнинг кислород ва бошқа озуқа моддалари билан таъминланишини ошириш учун мослашув реакцияси деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, у проангиоген факторларининг кескин кўпайишига етакчи омил бўлиши

мумкинлигини қайд этилиши лозим, бу жараёнда ЭТ-1 факторнинг сезиларли даражада ошиши аҳамиятига эга. ЭТ-1 омилнинг экспрессияси қон томирлари спазмига, i-NOS стимуляциясига ва фетоплацентар комплекснинг томирларига токсик таъсир кўрсатадиган экзоген NO ва ONO²⁻ нинг ўсишига олиб келади.

Шундай қилиб асоратланган гестация даврида VEGF-A ва PlGF омилларнинг экспрессиясини сезиларли даражада бузилиши кузатилади, бу эса ўз навбатида эндотелин-1 ва NO индукциясига олиб келади, шунингдек бу ангиоген омилларнинг номутоносиблиги сўрғичли хорион ангиоархитектоникасининг тузилиши ва она қон айланишининг трансплацентар диффузиясини тартибга солиш компенсатор механизмларининг бузилишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, фетоплацентар етишмовчилигининг ривожланишида ангиоген омилларнинг номутоносиблиги аниқланди, бу эса бутун йўлдош комплексининг тизимли бузилишига олиб келиб, сўрғичли хорионнинг этилиши, фетоплацентар қон айланишининг томирларида патологик ўзгаришлари, микроворсинкаларнинг деструкция ва вакуолизацияси, йўлдош қон томир-стромал компонентлари морфометрик кўрсаткичларнинг ўзгариши кўринишида намоён бўлади. Бизнинг фикримизча, она-йўлдош-ҳомила функционал тизимининг барча таркибий қисмларини ҳар томонлама морфологик баҳолаш йўлдош етишмовчилиги даражасини, йўлдошнинг компенсацион имкониятларини ва ўсаётган организмни гипоксик шикастланишнинг олдини олишга қаратилган даволаш чора-тадбирларнинг самарадорлигини аниқлашга имкон беради.

ХУЛОСА

«Йўлдош қон томирлари ва тўқима структураларининг физиологик ва асоратланган гестация даврида морфологик ҳолати» мавзусидаги фан доктори диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўтказилган комплекс морфологик ўрганишлар натижасида йўлдош қон томир-стромал таркибий тузилмаларининг ҳосил бўлиш кетма-кетлиги аниқланди: сўрғичли хориони мураккаблашувининг яқунланишида функционал терминал сўрғичларнинг устунлиги, симпласт ультраструктур ҳамда сўрғичларнинг хужайра элементларнинг ўзгариши натижасида йўлдош тўсиғининг қалинлигини ўзгариши кузатилади. Хомиладорликнинг охирига келиб, трофобластик эпителий майдонининг кўрсаткичлари сезиларли камаяди, яъни $3286,2 \pm 291,5$ мкм² ($p < 0,001$)дан $788,4 \pm 36,2$ мкм² гача ($p < 0,001$).

2. Йўлдош ва киндик қон томирларнинг стерео- ва гистеометрик кўрсаткичлари ҳажм-таркибий нисбати ўзгаришлари йўлдошнинг ўзида катта ўзгарувчанликни ва она юзасининг майдони, сўрғичлараро бўшлиқнинг ҳажми, йўлдошнинг бирикиш жойи, терминал сўрғичларнинг зичлиги, қон томир морфометрик кўрсаткичлар ўртасида ижобий чизиқли боғлиқликни кўрсатди ($r_s = 0,0631$, $p < 0,012$). Қон билан таъминланиши даражаси интраплацентар қон томирларининг диаметри ва узунлигига эмас, балки сўрғичли хорионнинг шохланиш даражасига боғлиқ эканлигидан далолат беради.

3. Она-йўлдош-ҳомила физиологик тизимининг нормал ишлаши

плацента морфометрик кўрсаткичларига, хомила тана вазнининг йўлдош умумий оғирлигига (ХИК) нисбатида акс эттирилган «плацента самарадорлиги» индексига боғлиқлиги исботланган. Йўлдош етишмовчилигида стромал компонентнинг устунлиги, тўлик дифференциацияга учрамаган сўрғичларнинг пайдо бўлиши фониде терминал сўрғичларнинг етишмовчилиги, синцитиал тугунлар сонининг кўпайиши, қон томирлар зичлигининг камайиши, артериола деворларини қалинланиши ва диаметри камайиши (1,5-2,0 баробар), синцитиокапилляр мембраналар ва капилляр гипоплазияси, стромал фибрози ҳамда қон томирсиз сўрғичлар пайдо бўлиши билан тавсифланади. Юқорида акс эттирилган жараёнлар хомила гестацион ёши билан боғлиқлиги аниқланди.

4. Фетоплацентар қон томир ўзанини нормал ишлаши киндик гистеометрик параметрларига, бирикиш жойига ҳамда киндик артериялари орасида Хиртле анастомознинг мавжудлигига боғлиқ. Киндикнинг марказий бирикишида қон томирларининг дихотомик шоҳланиши кузатилди ва бу фетоплацентар қон оқими перфузиясининг физиологик параметрларига максимал даражада яқин бўлади. Киндик йўлдошининг чекка соҳасига бирикишида моноподаал шоҳланиши кузатилади, бу эса қон билан таъминланиши дефицитига мослашув жараёнидан далолат беради.

5. Хомила қон томир мальперфузияси ривожланиши қуйидаги морфологик белгилари билан тавсифланиши мумкин, буларга йўлдош котиледонларини қон билан таъминлашнинг гетерогенлиги, қон томир диаметрлари, айниқса таянч сўрғичларда, торайиш, қон томирсиз сўрғичлар сони кўпайиши (ўртача 5-10 сўрғич 1мм²га) ҳамда Хиртл анастомози йўқлиги билан қайд этилади.

6. Асоратланган гестация даврида VEGF-A ва PlGF омилларнинг экспрессиясини сезиларли даражада бузилиши кузатилади, бу эса ўз навбатида эндотелин-1 ва NO индукциясига олиб келади, шунингдек бу ангиоген омилларнинг номуносивблиги сўрғичли хорион ангиоархитектоникасининг тузилиши ва она қон айланишининг трансплацентар диффузиясини тартибга солиш компенсатор механизмларининг бузилишига сабаб бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ
МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ТАСТАНОВА ГУЛЧЕХРА ЕШТАЕВНА

**МОРФОЛОГИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ КРОВЕНОСНЫХ СОСУДОВ И
ТКАНЕВЫХ СТРУКТУР ПЛАЦЕНТЫ ПРИ ФИЗИОЛОГИЧЕСКОЙ И
ОСЛОЖНЕННОЙ ГЕСТАЦИИ**

14.00.02 – Морфология

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА МЕДИЦИНСКИХ НАУК (DSc)**

ТАШКЕНТ – 2025

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций за № B2023.4.DSc /Tib32

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном стоматологическом институте. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета (www.tma.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный консультант: **Миршарапов Уткур Миршарапович**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Азизова Феруза Хусановна**
доктор медицинских наук, профессор

Юлдашев Бахром Сабиржанович
доктор медицинских наук, доцент

Стельникова Ирина Геннадьевна
доктор медицинских наук, профессор
(Российская Федерация)

Ведущая организация: **Андижанский государственный**
медицинский институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2025 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 при Ташкентской медицинской академии. при Ташкентской медицинской академии. (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фараби, дом 2. Зал заседания 1-го учебного корпуса Ташкентской медицинской академии. Тел./факс: (+99878) 150-78-25; e-mail: info@tma.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирован за № _____) (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фараби, дом 2. Ташкентская медицинская академия, 2 учебный корпус, «Б» крыло, 1 этаж. Тел./факс: (+99878) 150-78-25

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2025 года.
(реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2025 года.

Г. И. Шайхова

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук, доцент

Р. Дж. Усманов

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения, «...в 2020 году во всем мире ежедневно умирало 800 000 женщин от предотвратимых причин, связанных с беременностью и родами, а каждые две минуты происходит одна материнская смерть, а около 20 миллионов новорожденных рождаются с низкой массой тела при рождении, что является одной из ведущих причин детской смертности»⁴. Более чем в 42% случаев младенческой смертности непосредственной причиной смерти является патология перинатального периода. Беременность - физиологическое состояние для женского организма, которое при отсутствии клинических признаков протекает как нормальный процесс адаптации. Знание клинко-морфологической сущности патологий плаценты дает точную информацию об общих принципах структурного строения не только плаценты, но и пуповины, и причинах осложненной беременности. Современной проблемой патологии в антенатальном и перинатальном периоде является развитие фетоплацентарной недостаточности (ФПН), которая является следствием многочисленных патологических состояний во время беременности, обусловленных морфофункциональными изменениями структур плацентарной ткани, и сложной реакцией фетоплацентарной системы организма матери на различные патологические состояния. Несмотря на значительные достижения в области охраны плода и пренатальной диагностики в антенатальном периоде, в ряде случаев под воздействием различных неблагоприятных факторов возникает ряд акушерских патологий, которые приводят к прерыванию беременности, внутриутробной гибели плода или рождению ребенка с различными заболеваниями.

В этой связи особое значение приобретают научные исследования, направленные на выявление плацентарных механизмов нарушения антенатального развития, формирование плацента-ассоциированных осложнений беременности, изучение показателей ремоделирования плацентарного кровообращения, приводящее к нарушению перфузии самой плаценты, сравнительную оценку ангиогенных факторов, регулирующих фетоплацентарное кровообращение, ультрамикроскопических особенностей гестационной перестройки сосудисто-стромальных компонентов плаценты, выяснения патоморфологических механизмов потерь беременности, а также оценка возрастных различий скрининговых маркеров развития фетоплацентарной недостаточности.

В нашей стране принимаются определенные меры по развитию медицинской сферы, адаптации медицинской системы к мировым стандартам, в том числе по обеспечению репродуктивного здоровья, снижению перинатальной и материнской смертности, формированию профилактической медицины. В этой связи в соответствии с приоритетными направлениями Новой стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы

⁴ WHO, 2024. <https://www.who.int/initiatives>, <https://unstats.un.org/sdgs/indicators/database>

поставлены задачи, направленные на «...повышение эффективности, качества и доступности оказываемой населению медицинской помощи в нашей стране, профилактика и эффективная диагностика заболеваний...»⁵. Исходя из обозначенных задач целесообразно проведение научных исследований, направленных на оценку патогенеза нарушений при развитии различных акушерских осложнений беременности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Указами и постановлениями Президента Республики Узбекистан, в частности № УП-6110 «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ» от 12 ноября 2020 года, №УП–60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года, № ПП-4891 «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике» от 12 ноября 2020 года, «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 28 января 2018 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Обзор международных научных исследований по теме диссертации.⁶

Научные исследования, направленные на изучение морфологических основ формирования функциональных систем мать-плацента-плод и выявление причин нарушений плацентации, проводятся во многих ведущих научных центрах и университетах мира, среди которых: Медицинский факультет Университета Olborsk (Германия); The Hospital for Sick Children, Toronto (Онтарио, Канада); Copenhagen Center for Arthritis Research (Дания), Charite University (Германия); Department of Pathology, Oregon Health and Science University (Портланд, США); Department of Pathology, Oregon Health and Science University (Лондон, Великобритания); Cairo University (Миср); School of Biomedical Engineering & Imaging Sciences, King's College London (Великобритания); Université de Versailles (Франция); Data Science Department, EURECOM (Биота, Франция); La Paz University Hospital (Испания), Universidad Nova de Lisboa (Португалия), University Hospitals Leuven (Бельгия); University of Amsterdam (Нидерланд), University of Thessaly (Греция), Anhui Medical University (Китай); «Национальный медицинский

⁵ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УФ-60 «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

⁶ Обзор международных исследований по теме диссертации: : www.acog.org, www.nih.gov, www.cusbrescia.it, www.sdu.dk, ki.se/en, unimelb.edu.au, www.cpc.unc.edu, www.fadergs.edu.br, ksu.edu.sa/en, www.anouk.org, unideb.hu/en, www.aichi-u.ac.jp, www.usu.ac.id, www.oxford.universityguides.com, www.washington.edu, www.uic.edu, www.yokohama-cu.ac.jp, www.qdu.edu.cn, www.eco.unicamp.br, www.asu.edu, www.units.it, www.BMJ www.bsmu.by и другие источники.

исследовательский центр» им. В.А. Алмазова (Россия); ФГУ «Научный центр акушерства, гинекологии и перинатологии им. А.В. Кулакова» (Россия); НИИ морфологии человека им. А.А. Авсина (Москва, Россия); Казахский национальный медицинский университет им. С.Д. Асфендиярова (Казахстан); ГУ «Республиканский специализированный научно-практический центр охраны здоровья матери и ребенка» (Узбекистан), Ташкентская медицинская академия, Самаркандский государственный медицинский университет, Ташкентский государственный стоматологический институт (Узбекистан).

По итогам научных исследований, проведенных с целью совершенствования представлений о патологических механизмах изменений в функциональной системе мать-плацента-плод при развитии плацентарной недостаточности различного генеза были получены следующие результаты: в основе нарушений течения первой и второй волн трофобластической инвазии лежит развитие плацентарной гипоксии (University of Amsterdam (Нидерланды)); выявлено что именно развитие гипоксических процессов может объяснить формирование полиорганной недостаточности, перестройку органной и системной гемодинамики вплоть до развития эндотелиальной дисфункции (National Institutes of Health, Bethesda (США)); выявлена определенная генетическая предрасположенность матери к формированию недостаточности плодово-маточной системы кровообращения, нарушения цитоархитектоники сосудистой выстилки плаценты, ее регуляции системой продуцируемых про- и антиангиогенных факторов (Translational Medicine of The Hospital for Sick Children, Toronto, Ontario (Канада)); дана оценка степени выраженности генетической предрасположенности материнского организма при регуляции системы кровообращения целого спектра про- и антиангиогенными факторами (Postgraduate Institute of Medical Education and Research (Чандигарх, Индия)); выявлено, что в основе развития сердечно-сосудистых заболеваний в постнатальном онтогенезе нарушения ангио- и васкулогенеза, причем следует отметить, что эти изменения имеют четкое клиническое проявление (Department of Maternal-Fetal Medicine, Institut Clínic de Ginecologia, Obstetrícia i Neonatologia (Барселона, Испания)). Исследования В. Hupertz, J. Kigdom (Department of Anatomy II, University Hospital RWTH, Aachen (Германия)) показали особенности процессов апоптоза при инвазии трофобластов в эндометрий и формирования толерантности к плоду; разрабатываются новые подходы к морфологическим аспектам изучения плаценты и ее производных при развитии плаценто-ассоциированных осложнений течения беременности (Самаркандский государственный медицинский университет, Ташкентский государственный стоматологический институт).

В мировой практике ведутся научные исследования особенностей формирования функциональной системы «мать-плацента-плод» при физиологической и осложненной беременности, включающие следующие

приоритетные направления: обоснование морфофункциональных изменений сосудисто-тканевых компонентов при развитии фетоплацентарной недостаточности; совершенствование морфологических изменений при материнской и фетальной мальперфузии, вследствие развития плацентарной недостаточности; выявление морфологических изменений трансплацентарного кровообращения путем сравнительного анализа факторов ангио- и васкулогенеза при физиологической и осложненной беременности. Вышеизложенное определяет высокую актуальность и научно-практическую значимость данного диссертационного исследования, направленного на совершенствование патогенетически обоснованных методов лечения и подходов к профилактике осложнений и социальной поддержке с целью снижения материнской, пренатальной и постнатальной смертности.

Степень изученности проблемы. Одним из основных факторов развития антенатальной патологии, является патоморфологические изменения сосудов маточно-плацентарного кровотока, в частности дисфункция эндотелия сосудов, нарушение микроциркуляции, процессов ангио- и васкулогенеза, способствующие развитию внутриутробной гипоксии плода и его задержке развития (Acosta O. Et al., 2015; Bronso Sl., Vale Pl., 2016). В настоящее время ФПН считают «заболеванием гипотез», поскольку существует большое количество гипотез, объясняющих патогенез ее развития. Нарушение созревания ворсинчатого хориона подробно даны в исследованиях В.Милованова (2019), которые характеризуются с одной стороны патологической незрелостью плаценты, диссоциированным формированием ворсин, а с другой стороны инволютивно-дистрофическими процессами и гемодинамическими нарушениями, редукцией сосудистого русла. Согласно данным L.K. Harris, M. Venagiano et al. (2019), Gall AR, Amoah S, Kitase Y. (2022) беременность для материнского организма является по сути нарастающей по времени и силе воздействия физиологической нагрузкой, и в случае присоединения какой-либо патологии либо нарушение течения беременности можно говорить о сбоях в функциональной системе мать-плацента-плод. В регуляции фето-плацентарного кровотока основную роль выполняют сосуды пуповины. Пуповина является, несомненно, важным и вполне самостоятельным элементом функциональной системы мать-плацента-плод, следовательно, патоморфологические преобразования магистральных сосудов пуповины, стромальных компонентов могут явиться серьезными причинами патологических состояний у плода как во время беременности, так и течении родов, вплоть до внезапной смерти новорожденного. Для мониторинга плацентарной функции арсенал современного врача широкий – это и ультразвуковая биометрия, доплеровские измерения, кардиотография и т.д. (L.J. Salomon, Z.Alferevic et al. (2019). Несмотря на это, обнаружить ранние признаки плацентарной недостаточности, нарушения перфузии крови в плаценте, предсказать исход

беременности не представляется возможным, что приводит к упущенным возможностям для своевременного вмешательства.

Проведенные исследования в Узбекистане в основном затрагивают аспекты развития акушерской патологии, так проведены исследования по изучению детоксикационной функции плаценты и методы ее коррекции (Закирходжаева Д.А., 2021), разработке современного подхода к прогнозу и профилактике преэклампсии (Зуфарова Ш.А., 2021), послеродовых кровотечений при синдроме перерастяжения матки (Абдуллаева Л.М., 2022), внедрения современных технологий в диагностике плацентарной дисфункции (Муминова Н.Х., Рахманова С.Ш., 2024). Ведется большая работа по разработке новых подходов к прогнозированию развития осложнений течения беременности. Остаются малоизученными вопросы научно обоснованных скрининговых маркеров физиологической и осложненного течения беременности, выяснения особенностей трансформации морфологического субстрата нарушений плацентации и васкулогенеза, в особенности ультраструктурных изменений ворсинчатого хориона и, особенно, синцитиотрофобласта на фоне завершения второй волны инвазии цитотрофобласта при ФПН. Всё вышеперечисленное обусловило актуальность данной диссертационной работы и определило цели и задачи исследования.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, при котором выполнена диссертация. Диссертационная работа выполнена в рамках плана научно-исследовательских работ Ташкентского государственного стоматологического института за №011900244 «Морфологическое основы преобразований тканевых структур и сосудов внутренних органов в постнатальном онтогенезе» (2019-2024гг).

Цель исследования: на основе комплексного морфологического исследования установить особенности преобразования тканевых структур и сосудов плаценты в процессе формирования функциональной системы мать-плацента-плод в динамике физиологической и осложненной гестации.

Для достижения указанной цели были поставлены следующие задачи:

определить комплекс органо- и гистометрических параметров плаценты, наиболее полно отражающих структурно-функциональную изменчивость сосудисто-стромальных компонентов системы, мать-плацента-плод при физиологической и отягощенной беременности;

выявить детали морфогенеза сосудистых нарушений в виде материнской и плодовой сосудистой мальперфузии, облитерационной ангиопатии, нарушения капилляризации терминальных ворсин, лежащие в основе морфологических преобразования при фетоплацентарной недостаточности;

выявить прогностически значимые функциональные нарушения сосудистого русла и особенности трехмерной структурной организации

плаценты, показатели ангиогенных факторов фетоплацентарного комплекса при плацентарной недостаточности;

выявить особенности и характер изменения концентраций ангиогенных факторов - NO, активности e-NOS и i-NOS, уровень ONO², VEGF, VEGFR-2 в плаценте и пуповинной крови в динамике гестации, определить характер корреляционных взаимоотношений между морфометрическими параметрами плаценты и ее производных с показателями ангиогенных факторов с учетом определения предикторов развития фетоплацентарной недостаточности;

